

АҲОЛИГА ЯНАДА ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 август куни Бекобод шаҳрида бўлди.

Давлатимиз раҳбари таширфини "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамиятидан бошлади. Мамлакатимизнинг энг йирик ишлаб чиқариш объектларидан бири бўлган ушбу комбинатда қора металл парчалари ва чиқиндилар қайта ишланиб, тайёр прокат маҳсулотлари, сирланган идишлар ва бошқа халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Президентимиз корхонанинг маҳсулоти фаолияти билан яқиндан танишди.

Корхонада катта ҳажмдаги иқтисодий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Умумий қиймати қарийб 635 миллион долларлик олтинга лойиҳа устида иш олиб борилмоқда.

Қора металл парчалари ва чиқиндиларни қайта ишлаш лойиҳаси шулардан бири. Мазкур лойиҳа тўлиқ қувват билан ишга тушган, 138,2 минг тонна қора металл маҳсулотлари, сирланган идишлар ва бошқа халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш имкониятини беради, қарийб 3 минг иш ўрни яратилади.

Амалга оширилаётган лойиҳалардан бирига биноан пўлат эритиш ва қуйиш мажмуасини қуриш ва иссиқ ҳолатда пўлат листлари ишлаб чиқариш ташкил этилади. Мазкур лойиҳани икки босқичда бажариш мўлжалланган.

Шавкат Мирзиёев комбинат ишчи-ходимлари билан суҳбатлашди. Уларнинг умулми меҳнат қилиши ва дам олиши учун яратилган шароитлар билан қизиқди.

Яқинда Олмалик шаҳрида бўлди. Олмалик ва Бекобод металлургия шахри ҳисобланади. Улар Тошкент вилоятининг саноати ривожланган ҳудудларидан. Шундай экан, иккала шахарни ҳам бирдек ривожлантиришимиз, бу ерда яшаётган аҳолини рози қилишимиз керак. Бу борада икки шахар ўртасида ривожланиш мусобақаси эълон қиламиз. 2017 йилнинг 1 сентябрдан 2018 йилнинг шу давригача иккала шахарнинг ривожланиш тенденцияларини кузатиб борамиз. Бу икки металлургия комбинати ўртасида эмас, шахарлар ўртасидаги соғлом рақобат бўлади. Бозордаги нарх-наводан тортиб, аҳоли турмуши учун яратилаётган барча шароитлар инобатта олинади. Янги корхона ишга тушади, янги иш ўрни яратилади, барчасини эътиборга олиб борамиз. Бу каби соғлом рақобат икки шахарнинг жадал ривожланишида муҳим роль ўйнайди, деди давлатимиз раҳбари.

Шу ерда корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан намуналар намойиш этилди. Давлатимиз раҳбари кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Ешлар бандлигини таъминлаш, уларга касб-хунар ўргатиш энг катта масала.

Биз ёшларга мактабгача таълим муассасасидан бошлаб замонавий таълим беришимиз, уларни муносиб тарбиялашимиз керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Бекобод шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли "Шудринг" номли 5-мактабгача таълим муассасасига таширф бурди. Болаларга яратилган шароитлар билан танишди.

Тошкент вилоятида мактабгача таълим муассасаларининг бугунги ҳолати ҳақида маълумот берилди. Бугунги кунда Тошкент вилоятида 406 мактабгача таълим муассасаси фаолият юритмоқда. Уларга 61 минг 755 бола қамраб олинган.

Давлатимиз раҳбари Бекобод шаҳри мисолида боғча ёшидаги болаларни тўлиқ мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш дастурини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади. Бунда хусусий боғчаларга кенг ўрин бериш керак.

Мактабгача таълимда бола шахсини ривожлантиришга қўйиладиган давлат талабларининг асосий йўналишлари ҳақида ҳам маълумот берилди. Бунда болаларнинг жисмоний ривожланиши, ўзига-ўзи хизмат қўраши, ижодий-эстетик қобилияти, дунёқарашини бойитиш, нутқини ўстириш, ўқиш ва саводга тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз ҳудудларига таширфи давомида мунтазам равишда аҳоли билан мулоқот қилиб, одамларнинг турмуш шароити билан қизиқди, уларни қийнаётган масала ва муаммоларга алоҳида эътибор қаратади. Бекобод шаҳридаги "Пахтакор" маҳалла фуқаролар йиғинидаги "Металлург-мадад" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли билан учрашувда ҳам бу ўзифодасини топди. Ширкатга қарашли 8 кўп қаватли уйдаги 234 хонадонда 750 дан ортик аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг том қисми таъмирдан чиқарилган, ертўласидаги эски қурурлар тўлиқ алмаштирилган, уйларга рақамли замонавий эшиклар

ўрнатилиб, қузатув камералари билан жиҳозланган. Бу ҳудудда тинчлик-осойишталикни таъминлашга хизмат қилмоқда. Уйлар атрофида замонавий болалар майдончалари қурилган.

Аммо ҳудуд аҳолисини қийнаб келаятган муаммолар ҳам етарли. Яъни уйларда иссиқлик тизими ишламайди. Бундай ҳолат нафақат ушбу ширкат, балки қарийб бутун Бекобод шаҳрига хос. Тоza ичимлик суви таъминоти ҳам аҳолини қийнаётган муаммолардан. Ичимлик суви мавжуд бўлса-да, сифати талабга жавоб бермайди.

Президентимиз Навоий вилоятидаги "Ariston thermo – UTG" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган газ иситиш қозонларини лизинг асосида уйларга ўрнатиш кераклигини таъкидлади.

Барча ишларимиз халқни рози қилиш, уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган, деди Шавкат Мирзиёев. Шунинг учун Бекобод шаҳридаги иссиқлик тизими билан таъминланмаган барча кўп қаватли уйларни индивидуал газ иситиш қозонлари билан таъминлаймиз, унга сарфланадиган зарур маблағлар ажратамиз. Хонадонларга ўрнатиладиган газ иситиш қозонлари аҳолига лизинг асосида берилади.

Халқимиз олдида қарзимиз кўп, деди Президентимиз маҳалла аҳли билан учрашувда. Уларнинг дардини эшитиш, муаммоларини ҳал этиш учун янги тизим жорий этилди. Яъни ҳар бир туман-шаҳарда ҳоким, прокурор, солиқ бўлими бошлиғи, ички ишлар бўлими раҳбари ҳудудларга бўлиниб, муаммоларни ҳал қилади. Улар ўзига қарашли ҳудуддаги ҳар бир хонадонга кириб муаммоларини ўрғанади, боғча, мактаб, шифохона ва бошқа муассасалар фаолиятидаги камчиликларни ҳал этишга кўмаклашади. Ҳар уч ойда бир марта Президентга ҳисобот беради.

Оддий одамлар бугунги кунда бўлаётган ўзгаришларни сезиши керак. Улар эртага эмас, бугун яхши яшашни истайди. Уларга бугун яхши шароит яратиш беришимиз керак. Барча амалга оширилаётган ишларимиздан кўзланган мақсад-муддао ҳам шу, деди Шавкат Мирзиёев. Бугун эришяётган ютуқларимиз халқимизнинг меҳнатсеварлиги самарасидир. Биргаликда фидойилик билан ишласак, бундан-да катта ютуқларга эришамиз.

(Давоми 2-саҳифада)

туркумига киритиш тўғрисидаги масалалар ҳам киритилди.

Бундан ташқари, ялли мажлисда сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини сайлаш ҳақидаги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг айрим раҳбарларига парламент сўрови юбориш, шунингдек, парламент сўрови натижалари ҳақидаги масалаларни ҳам кўриб чиқарилди.

Ялли мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиши режалаштирилмоқда.

Ўн биринчи ялли мажлисга тайёрларлик қуриш ва уни ўтказиш юзасидан Олий Мажлиси Сенати кўмиталари ва девони фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Кенгаш томонидан ишчи гуруҳ тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Матбуот ва ахборот соҳасида бошқаруви янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 2017 йил 11 августдаги ПФ-5148 сонли Фармони асосида матбуот ва оммавий ахборот воситалари, ноширлик, матбаа, кутубхоначилик, ахборот-ресурс соҳаларида ягона давлат сийасатини амалга ошириш, мавжуд ҳуқуқий-норматив ва моддий-техник базани такомиллаштириш, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, бошқарувнинг бозор муносабатларига хос усулларини кенг қўллаш мақсадида:

1. Қуйидагилар: Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаларининг тузилмалари 3- ва 4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори зарур ҳолларда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, вилоятлар

ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармалари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тузилмаларига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

2. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаларини сақлаш, шунингдек, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги ташкилотларнинг шартнома асосида ажратмалари ва қонун ҳужжатларида тақридан белгиланган бошқа манбалар ҳисобидан;

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини сақлаш, шунингдек, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақридан белгиланган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши инобатта олинсин.

3. Белгилаб қўйилсинки: Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги,

вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармалари, Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти давлат корхонаси давлат кўчмас мулки объектларида ижара тўловисиз жойлаштирилади;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги муассислигидаги "Тонг юлдузи" ва "Класс!" газеталари ҳамда "Гулхан" ва "Ғунча" журналларини нашр этиш билан боғлиқ харажатларнинг мазкур нашрлар ўз даврамадлари билан таъминланмаган қисми Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қопланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар учун зарур бўлган маблағларни 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг харолатлари доирасида ажратсин, 2018 йилдан бошлаб аса Ўзбекистон Республикаси Давлат

бюджетининг параметрларида назарда тутсин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 30-уйда жойлаштирилсин.

6. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бир ой муддатда, ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва фаолият йўналишларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2017 йил 17 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2017 йил 18 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисини Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев бошқарди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялли мажлисини шу йил 24 август куни Тошкент шаҳрида қаириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялли мажлиси кун тартибига мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини тубдан оширишга, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харажатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид

Давлат дастури ижросига қаратилган Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари киритилмоқда.

"Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида"ги, "Болаларни уларнинг соғлигига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида"ги, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги (янги таҳрири), "Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлари га сайлов тўғрисида"ги, "Ўз-

бекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топил тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидандир.

Ялли мажлисда сенаторлар "Ўзбекистон Республикаси ешлари кунини белгилаш тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги қонунларни ҳам кўриб чиқадилар.

Шунингдек, ялли мажлисининг кун тартибига Тошкент вилоятининг Тўйтепа, Янгийўл ва Оҳангарон шаҳарларини вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар



Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрами арафасида Бухоро вилояти Бухоро туманидаги Работак қишлоғида янгиланган лойиҳалар асосида барпо этилган замонавий уй-жойлар фойдаланишга топширилди.

Кейинги йилларда Работак қишлоғи кенгайиб, тобора замонавий қиёфа касб этмоқда. Энг улғу, энг азиз байрамимиз арафасида бу ерда яна 42 замонавий уй қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳовли тўйини нишонлайдиганлар орасида Президент совғаси сифатида уй қалитини олган 6 нафар эҳтиёжманд оила вакиллари ва жисмоний имконияти чекланган фуқаро ҳам бор.

– Бугунги сана ҳаётимдаги унутулмас кун бўлиб қолади, – дейди Орзул Ҳабиева. – Уч хонали кичик ҳовлида 11 киши яшардик. Ўғлим ҳам, келиним ҳам ноғирон. Мана, бугун ўғлимнинг қўлига уч хонали уйнинг қалитини тутқузиди. Замонадан айланай, уйнинг бошланғич бадали Президентимиз томонидан тўлаб берилди. Келиним Наргиза ҳам ишли бўлганидан жуда хурсанд. Унга "Ўзлаҳтасаноат" акциядорлик жамияти томонидан замонавий тикув машинаси берилиб, қасаначи сифатида ишга қабул

қилинди. Туман марказида яшовчи Матлуба Тўраеванинг ҳам қувончи чексиз.

– Ҳаёт экан, турмушим бўлмагач, ота-онамининг уйда яшадим, – дейди Матлуба. – Сўнг бир неча йил ижараман-ижара юришга мажбур бўлдим. Ўзимдан ўтганини ўзим биламан. Қизим улғайгани сари унга зарур шароит яратиш беролмаётганимдан эзилардим. Хайрият, у кунлар ортда қолди. Бошланғич бадалини тўлаганимдан сўнг менга икки хонали квартира берилди. Қаранг, ҳамма жиҳозлар бор. Бунақасини тўшимда ҳам кўрмаганман. Бундай гамхўрлик учун давлатимиздан беҳад миннатдорман.

Тадбирда еш оилаларга Президентимиз совғаси сифатида ётоқхона мебели, ошхона жиҳозлари, музлаткич, телевизор, чанглоткич, кир ювиш машинаси топширилди. Шу кун Работакда ижтимоий кўмакка

муҳтож 15 нафар фуқарога жорий йилда фойдаланишга топширилган уйларга эгаллик қилиш ҳуқуқини берувчи ордер берилди.

Янгиланган намунавий лойиҳалар асосида вилоят қишлоқларида жорий йил охирига қадар яна 200 уй қурилиб, 20 таси эҳтиёжманд оилаларга ажратилишини таъкидлаш керак. Тадбирда ушбу фуқароларга Президент совғаси сифатида уйнинг бошланғич бадали тўлангани тўғрисида сертификатлар топширилди.

"Ўзлаҳтасаноат" акциядорлик жамияти томонидан уй-жойга муҳтож ноғирон ва меҳнатла лўқати чекланган 35 фуқарога тикув машинаси берилиб, қасаначилик шартномаси асосида ишга жойлаштирилди.

Боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилаларнинг 26 фарзандининг суннат тўйи ҳам ўтказиб берилди. Болақонларга ҳомийлар томонидан совға-саломлар топширилди. Тадбирда Бухоро вилояти ҳокими Ў.Барноев сўзга чиқди.

Э.ЁДГОРОВ, У.А. МУХБИРИ.

Пахта терими олдида барглар сунъий равишда тўқтирилса, гўза қатор ораларидан шебада ўтиши яхшиланади, ўсимлик атрофида ҳавонинг ихсибй намлиги камаяди, кўёш нури яхши тўшади, пировардида, кўсақлар барвақт очилади. Энг муҳими, барглар яхши тўқилса, машиналар иш унуми ошади.

МУТАХАССИС ТАВСИЯЛАРИ

ларнинг биологик хусусиятларига алоҳида эътибор бериш лозим. Чунки гўза навларига дефолиантлар турлича таъсир этади. Уртагишар навлар сарбағр бўлгани учун дефолиантларга кам таъсирчан, тезлишар, барг сатҳи кичик ва юпка навлари эса таъсирчан бўлади. Шу боис, бундай навларга дефолиантлар селиш меъёрини камайитириш керак. Дефолиация самарадорлигига гўза навларнинг биологик етилганлиги ҳам сезиларли таъсир

ҳароратта турли даражада талабчан бўлади. Усимликка юмшоқ таъсир этувчи "Супер ХМД-С", "Уз-ДЕФ", "ПолиДЕФ" каби дефолиантларни ҳаво ҳарорати юқорилиги ўртача 22-25 °С даражада бўлганида тезлишар навлар экилган майдонларга 6,5-7,0 л/га қўллаш керак. Уртагишар навлар экилган майдонларда эса ушбу дефолиантлар 7,0-7,5 л/га. меъёрида қўлланилади.

Гўза дефолиацияси: МАВСУМ ОСТАНАСИДАГИ МУҲИМ ТАДБИР

Дефолиация самарадорлигига тупроқ намлиги катта таъсир этади. Шу боис, ушбу агротехник тадбирни тупроқ намлиги даланнинг тўлиқ нам сизимига нисбатан 60-65 фоиз бўлганда ўтказиш лозим. Тупроқ жуда қуриб қолганда дефолиантларнинг самарадорлиги пасаяди. Намлик меъёридан паст бўлса, дефолиациядан 10-12 кун олдин далани енгил сугориш керак.



Дефолиация самарадорлиги уни ўтказиш мuddати ва меъёрини тўғри белгилашга ҳам бевосита боғлиқдир. Ушбу тадбир мuddати тупроқ-қилми шароитлари, гўза навларнинг биологик етилганлигига қараб белгиланади. Бунда гўза нав-

Ҳаво ҳарорати 18-20 °С даража бўлганида "ПолиДЕФ", "Уз-ДЕФ" ва "СуперХМД-С" дефолиантларини тезлишар навлар экилган майдонларга 7,5-8,0 л/га, ўртагишар навлар экилган майдонларга эса 8,0-9,0 л/гадан қўллаш зарур. Мазкур дефолиантлар билан бир қаторда, "Садаф" дефолиантдан ҳам фойдаланиш мумкин.

Бундан ташқари, сув таъминоти яхши бўлмаган, гўзанинг ўсиши ва ривожланиши паст бўлган майдонларда дефолиацияни мутахассислар тавсияси асосида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Урта тонали гўза навларнинг ҳар тулида ўртача 50 фоиз кўсақлар очилганда, дефолиация ўтказиш лозим.

Гўзанинг юқори ярусидagi иккинчи кўсаги кесилганда чигити қорайган бўлса, дефолиацияни бошлаш мумкин. Гўза дефолиацияси юқоридagi тавсиялар асосида сифатли ва тез ўтказилганда 12-15 кун ўтгач, теримга киришиш мумкин. Шунда кўсақларнинг 85-90 фоизи очилишига эришилса, ҳосилнинг асосий қисми юқори навларда бўлиши таъминланади.

Ренат НАЗАРОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат қўсатган қишлоқ ҳўжалик ходими, Фатхулла ТЕШАЕВ, қишлоқ ҳўжалик фанлари доктори.



ЯНГИ УСУЛНИНГ БЕТАКРОР АҲАМИЯТИ

Мамлакатимизда замонавий технологиялар асосида такрорий пилла етиштириш усули кенг қўлланилмоқда.

Жумладан, Навоий вилоятидаги қишлоқ ҳўжалигига ихтисослашган туманларда 300 ҳўти такрорий ипак курти парваришланиб, 12 тонна пилла хомашёси етиштириш белгиланган.

Айни пайтда мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш учун пиллачиларга шарт-шароит яратилмоқда. Шу мақсадда вилоят ва туманларда ишчи гуруҳлари ташкил этилган. Уларнинг бевосита кўмаги билан шу кунларда ипак курти тарқатиш ишлари бошланмоқда.

Албатта, ипак курти парваришдаги бу янги усул йилдан-йилга кенг қўлам касб этиб бораверади.

Отабек АСЛОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Кашқадарё вилояти

Қамаши туманида насли эчкиларни боқиш ва кўпайтиришга ихтисослашган "Hisor protect consumers" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди.

ҚАМАШИ ЯЙЛОВЛАРИДА НАСЛИ ЭЧКИЛАР КўПАЯДИ

Қиймати қарийб 200 миллион сўмга баҳоланган мазкур истиқболли лойиҳа Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси томонидан "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар доирасида амалга оширилмоқда. Бундан федерация тизимида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш орқали янги иш

ўринлари яратиш, тизим моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш мақсади қўзланган.

Тадбиркор Рустам Назаровнинг билдиришича, яқин орада фермага сут йўналишидаги насли эчкилар келтирилади. Уларни етказиб бериш бўйича Андижон вилоятидаги "Baxt (mkon vivo chorgvasi)" кўп тармоқли насличи фермер ҳўжалиги билан келишувга эришилган

ва бу борада амалий ишлар олиб борилмоқда.

Қамаши тумани ҳокимлигига чорва учун яйлов ерлари ажратилишини сўраб мурожаат қилганмиш, — дейди Рустам Назаров. — Яйлов ерларини ижарага бериш учун оқиб танлов эълон қилинган. Келгусида енгил саноат корхоналари учун муҳим хомашё ҳисобланган тивит ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйиш, бу йўналишдаги насли эчкиларни сотиб олиш ниятидамиш. Шунингдек, олинажак сутни шу ернинг эътида қайта ишлашни ташкил этишни режалаштирганмиш. Бу эса ана бир қанча кишининг бандлигини таъминлаш имконини беради. Ташаббуслар эса ички бозорга йўналтирилди.

Ҳусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

ЭЪЛОН

«КўЧМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МҲЖНИНГ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очик танлов савдоларига таклиф этади

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазири Маъмуриятининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли қарори ва Андижон вилояти ҳокими ўринбосарининг 2017 йил 10 августдаги № 08/16-288-сонли ҳагига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қўйиладиган ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи қўйилмоқда:

Андижон шаҳридан: 1. Кўп қаватли аҳоли турар-жой биноси қуриш учун 1-кичик даҳа ҳудудидида 532 кв.м.дан иборат ер участкасининг фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 1738594 сўм, қурилиш мuddати — 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари — 50 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори — 1635840000 сўм.

2. Кўп қаватли аҳоли турар-жой биноси қуриш учун 1-кичик даҳа ҳудудидида 1088 кв.м.дан иборат ер участкасининг фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 1738594 сўм, қурилиш мuddати — 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари — 80 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори — 3476160000 сўм.

3. Кўп қаватли аҳоли турар-жой биноси қуриш учун 2-кичик даҳа ҳудудидида 960 кв.м.дан иборат ер участкасининг фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 1738594 сўм, қурилиш мuddати — 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари — 80 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори — 3476160000 сўм.

4. Кўп қаватли аҳоли турар-жой биноси қуриш учун 3-кичик даҳа ҳудудидида 480 кв.м.дан иборат ер участкасининг фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 814986 сўм, қурилиш мuddати — 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари — 10 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори — 2758999000 сўм.

5. Қурилиш материаллари, қосибчилик саргарошона бинолари қуриш учун Шўрбулоқ даҳаси ҳудуди 324 кв.м.дан иборат ер участкасининг фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 586776 сўм, қурилиш мuddати — 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари — 24 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори — 511920000 сўм.

6. Ички қаватдан кам бўлмаган тивучилик цехи ва маъий ҳизмат биноси қуриш учун Бўстон даҳаси ҳудудидидаги 240 кв.м.дан иборат ер участкасининг фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 434649 сўм, қурилиш мuddати — 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари — 22 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори — 825163000 сўм.

7. Ички қаватли савдо ва маъий ҳизмат қўрсатиш шохб-часи қуриш учун Найман ва Ўйсозлар қўчалари кесимидаги 144 кв.м.дан иборат ер участкасининг фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 260789 сўм, қурилиш мuddати — 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари — 10 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори — 547200000 сўм.

8. Ички қаватли Омикта ем сотиш ва савдо-маъий ҳизмат қўрсатиш шохб-часи учун Фаргона қўчасида 216 кв.м.дан иборат ер участкасининг фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 391184 сўм, қурилиш мuddати — 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари — 14 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори — 341280000 сўм.

9. Ички қаватдан кам бўлмаган савдо-маъий ҳизмат ва омборхона қуриш учун Ўйсозлар қўчасида 144 кв.м.дан иборат ер участкасининг фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 260789 сўм, қурилиш мuddати — 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари — 10 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори — 547200000 сўм.

10. Ички қаватдан кам бўлмаган савдо-маъий ҳизмат ва омборхона қуриш учун Ўйсозлар қўчасида 144 кв.м.дан иборат ер участкасининг фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 260789 сўм, қурилиш мuddати — 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари — 10 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори — 547200000 сўм.

11. Турт қаватли савдо ва маъий ҳизмат қўрсатиш ва турар-жой биноси қуриш учун 1-кичик даҳа ҳудудидида 336 кв.м.дан иборат ер участкасининг фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 808508 сўм, қурилиш мuddати — 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари — 15 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори — 154997000 сўм.

12. Уч қаватли савдо ва маъий ҳизмат қўрсатиш шохб-часи қуриш учун С.Зуновна қўчасидаги 144 кв.м.дан иборат ер участкасининг фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 260789 сўм, қурилиш мuddати — 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари — 10 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори — 547200000 сўм.

13. Саргарошона биноси қуриш учун Муҳитдинов қўчасидаги 180 кв.м.дан иборат ер участкасининг фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 325987 сўм, қурилиш мuddати — 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари — 5 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори — 318230000 сўм.

14. Савқин ичимликлар ва музқаймоқ сотиш шохб-часи қуриш учун Темури шохб-часидаги 380 кв.м.дан иборат ер участкасининг фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 688194 сўм, қурилиш мuddати — 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари — 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестиция-

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган ихтисодий ислохотларни изчил амалга ошириш борасида тизимли ишлар назарда тутилган: Сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ҳам аини шу йўналишдаги ишлардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Вазири Маъмуриятининг ҳузуридаги "Ўздавдонинспекция" томонидан олиб борилаётган ишларда халқимизга етказиб берилаётган дон маҳсулотлари сифатини янада ошириш ва бу жараёнга замонавий технологияларни киритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда, энг аввало, тизимда фаолият юритаётган кадрлар малакаси ва савияси янада оширилаётир. Негаки, дон сифати — нон сифати. Галла эса эл ризқи.



Истиқлол йилларида халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон галла мустақиллигига эришди. Аини вақтда ҳам мамлакатимизда мўл ва сифатли ҳосил етиштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, урунчиликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Касаллик ва зараркунандаларга чидамли, юртимиз тупроғи ва иқлим шароитига мос, ҳосилдор навлар яратилди.

САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИГА ҲАМОҲАНГ

Бул йил ҳам галлакорларимиз мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳосилни йиғиштириб олиш жараёнида мазкур соҳа ходимлари ҳам уларга кўмакдош бўлишди. Хусусан, қабул қилинаётган доннинг сифати тўлиқ назоратта олинди. "Ўздонмаҳсулот" компанияси корхоналарида давлат рекурсиясига харид қилинган бугдой дони сифати бўйича таҳлил ўрганишлар олиб борилди. Дон ва дон маҳсулотларидан намуналар олинди, синовлар ўтказилди. Аниқланган меъёрдан оғиш оқшларни юзасидан қайта ҳисоб-китоблар

қилиниб, тегишли чоралар киритилди. Шунингдек, дон корхоналари масъулдарининг соҳавий билимини ошириш ва юзага келадиган қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишга жалб этиш ҳамда доннинг сифати, сақла-ниши, оқилона фойдаланиш бўйича профилактика ва тушунириш ишлари олиб борилди.

қайта ишлаш корхоналари ходимлари билан яқинроқ муносабат ўрнатиш мақсадида турли тадбирлар, семинарлар, тушунириш-тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Уларнинг ҳар тарафлама етук мутахассис бўлишини таъминлаш мақсадида турли тадбирлар ташкил этилмоқда. Хусусан, марказий лаборатория ва унинг филиаллари ҳамда минтақавий лабораторияларда модер-



низация ишларини амалга ошириш учун замонавий лаборатория асбоб-ускуналари харид қилинди. Тошкент кимё-технология институтида таҳсил олаётган талабаларга марказий лабораторияда замонавий жиҳозлардан фойдаланган ҳолда амалиёт ўташи учун шароит яратиб берилди.

Фаолиятни ахборотлаштириш ҳамда бу жараёнда мутахассислар малакасини ошириш юзасидан ҳам қатор тизимли ишлар олиб борилаётир. Уттан даврда ҳудудий бўлимларда локал ва интернет тармоғидан фойдаланиши ва ахборот хавфсизлиги талаблари бажарилишини назорат қилиш бўйича доимий мониторинглар ўтказиб келинмоқда.

Айни вақтда давлат хизматлари, "Simplex lite 1.0" автоматлаштирилган ахборот тизими тест режимда ишга туширилди. Тизимда дон партияларини сертификатлаштириш ва метрология хизмати қўрсатишини яхшилаш борасида ҳам қатор ишлар олиб борилаётир. Бунинг самарасида бу йилги хизмат қўрсатиш қўрсаткичи ўтган йилга нисбатан 130 фоизга ошди.

Сирасини айтганда, сифатли дон — сифатли нон. Жамоанинг мақсади юртдошларимизнинг фаровон яшашини уюштира олиш, галлакорлар ва қайта ишлаш корхоналари фаолиятини янада яхшилашга кўмаклашидир. Халқ манфаатини таъминлаш йўлида олиб борилаётган ҳар бир иш Ҳаракатлар стратегиясига ҳамроҳандир.

Дилдора РУСТАМОВА

ЭЪЛОН

БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА! АТ «ХАЛҚ БАНКИ» ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ АМАЛИЁТ БўЛИМИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БўЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

"Жиззах вилояти Жиззах шаҳри Наврўз маҳалласида жойлашган АТ "Халқ банки"нинг Жиззах вилояти филиали Амалиёт бўлими бизнесини реконструкция қилиш". Бошланғич қиймати: ҚҚСоз — 1664,459 миллион сўм, ҚҚС билан — 1997,351 миллион сўм. Ишларни тугаллаш мuddати: 10 ой. Молиялаштириш банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Буортмачининг манзили: Жиззах шаҳри Ш. Рашидов кўчаси 53-уй. Телефон: (0-372) 771-61-82, факс: (0-372) 771-61-72. Бошланғич қиймати 500 миллион сўмдан кўп бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларида бошқа тенг шароитларда кичик бизнес субъектларига устулик берилади. Ушбу объектада қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов савдоларида фақат қурилиш-пудрат ташкилотлари Ревстрига киритилган ташкилотлар иштирок этишларига рухсат берилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20 фоиз миқдоридидаги айланма маблағларга ёки қўрсатиб ўтилган маблағларини беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик — муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт. Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари қўзда тутилган: офертларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунийликка мувофиқ қўшимча қиймат солигини тўлашдан овоз этилган импорт ишларни бажаруви ва хизмат қўрсатуви чет эл офертларнинг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Жиззах шаҳри И.Каримов шохбўчаси, Medstar клиникаси ёнидаги бино. Тел/факс: (0-372) 226-14-66. Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи: 200 000 сўм. Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридagi манзилда қабул қилинади. Оферталар танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охири мuddати — оферталар очилиш кuni ва соатиғача. Танлов савдоси эълон матбуотда қот этилганидан 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Жиззах шаҳри И.Каримов шохбўчаси "Medstar" клиникаси ёнидаги бино. (Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази мажлислар зали).

